

---

## Италияликлар билан ҳамкорлик самарали бўлади

Бугун 2022 йил 27 апрель куни АОКА директори ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган режа-графикка асосан Риштон туманида Италиянинг Дерута шаҳри ва Риштон тумани ўртасида имзоланган биродарлашув меморандумига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Мазкур тадбирда туманимизда фаолият юритаётган журналистлар, блогерлар, туман ҳокими ўринбосарлари ва италиялик тадбиркорлар иштирок этишди. Дастлаб журналистлар саволларига айна дамда туманимизда бўлиб турган. Италиянинг Дерута шаҳрида яшовчи, керамика маҳсулотлари бўйича мутахассис, NE.DI компанияси раҳбари, тадбиркор Джанкарло Чуффини жавоб қайтарди.- Бундан 42 йил аввал Ўзбекистонга келган эдим. Ўтган давр оралиғида ўзгаришлар жуда катта бўлганига гувоҳ бўлдим. Риштонликларни одамийлиги, меҳмондўстлиги бизни лол қолдирди. Энг эътиборлиси кўчада кетаётган ёшлар қўлини кўксига қўйиб, биз кексаларга салом бериб ўтпти. Шу билан бирга кулолчилик Риштонда тезликда ривожланаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу жуда яхши. Бунинг яхши томони шуки, биринчидан тайёрланаётган сопол ва чинни маҳсулотлари сифатлилиги билан хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда ва бу билан Ўзбекистон, қолаверса Риштон жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўляпти. Ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилганлиги, албатта давлат ривожига, фуқаролар турмуш тарзида катта ижобий из қолдиради, албатта. Қолаверса аҳолининг иш билан доимий бандлиги таъминланяпти. Энг асосийми ҳукумат раҳбарининг тадбиркорларга бераётган эътибори юқори экан. Биз келажакда ҳамкорликни янада ривожлантирамиз. Шундан сўнг, журналистлар саволларига туман ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Жўрабоев жавоб берди.- Ўтган йилда бир нечта давлатлар мэриялари билан музокаралар олиб бордик. Шулардан бири - Италиянинг Дерута шаҳри мэрияси билан бир неча бор онлайн видеоконференциялар уюштирилди. Натижада туманимиз делегацияси расмий ташриф билан Дерута шаҳрига йўл олди. Дерута ўзининг кулолчилик мактаби ҳамда ишлаб чиқариши билан Европа бозорларини эгаллаган десак, муболаға бўлмайди. Маҳсулотларининг 95 фоизи Европа давлатларига экспорт қилинаётгани фикримиз исботидир. Туман делегацияси жуда илиқ кутиб олинди ва шу куннинг ўзидаёқ учрашувлар ташкил этилди. Уларда бир қатор масалалар, таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, Риштон ҳамда Дерута шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, таълим, спорт, туризм ҳамда соғлиқни сақлаш йўналишларида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди. Текстиль йўналишида фаолият олиб боровчи “Luxury Cashmere” корхонаси раҳбарияти билан Риштон туманида фаолият олиб боровчи тўқимачилик корхоналари ишчи-ходимларини Дерутада ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича олиб борилган музокаралар ижобий натижа билан якунланди. Шунингдек, “Luxury Cashmere” ҳамда “Maria Di Ripabianca” текстиль фабрикаларига ипак маҳсулотларини экспорт қилиш масалалари бўйича келишувлар амалга оширилди. Риштон кулолчилиги уларда катта қизиқиш уйғотди. Чинни ва сопол маҳсулотлар сифатини оширувчи бўёқ ҳамда фрид маҳсулотлари намуналарини Риштон туманига жўнатишга рози бўлишгани, агар маъқул келса экспорт-импорт шартномаларини имзолаш тўғрисидаги келишувлар бизни мамнун қилди. Айна дамда туманимизда бўлиб турган италиялик тадбиркорлар ҳам биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Ҳамкорлигимиз тез орада ўз самарасини беришига ишонамиз.

2022-04-27 21:24:18